

томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш учун 2022 йилнинг январидан бошлаб 10 мингта ўрта тиббиёт ходимлари штатлари ажратилиши ва аъзолик афзалликлари бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида ҳамда республика бўйича янги очилган нодавлат ва давлат тиббиёт ташкилотларида меҳнат қилаётган ходимларни касаба уюшмаси хизматига олиниши натижасида 20384 нафарга, “2021-2022 ўқув йилида олий ўқув юр்தларига талабаларни қабул қилиш режаси”га асосан ҳамда янги очилган олий ўқув юр்தларида таҳсил олувчи талабалар ҳисобига уларнинг сони 12849 нафарга, ўқувчилар сони 18512 нафарга, жами касаба уюшмаси аъзолари сони 53494 нафарга кўпайган.



2022 йилда бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари сони ўтган йилга нисбатан 31 тага, яъни Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида 1 тадан, Навоий, Тошкент вилоятларида 3 тадан, Хоразм вилоятида 2 тага, Фарғона вилоятида 5 тага, Сурхондарё вилоятида 14 тага, жами 31 та кўпайган. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон вилоятида 1 тадан, Наманган вилоятида 2 та, Тошкент шаҳрида 28 та, жами 32 та бошланғич ташкилотга камайган.

Тармоқда ҳақ тўланадиган аппаратга эга бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари 153 тани ташкил этади, асосий ишидан озод этилган касаба уюшмаси ходимлари сони 204 нафарни, шулардан касаба уюшма кўмитаси раислари 127 нафарни ташкил этган бўлса жамоатчилик асосида ишлайдиган касаба уюшма кўмитаси раислари 867 нафарни ташкил этди.



2023 йилда корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ходимлар сони соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда «тиббиёт бригадалари» фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, аъзолик афзалликлари бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида республика бўйича янги очилган нодавлат ва давлат тиббиёт ташкилотларида меҳнат қилаётган ходимларнинг касаба уюшмаси аъзолигига олиниши натижасида 36 минг 326 нафарга, “2023-2024 ўқув йилида олий ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш режаси”га асосан ҳамда янги очилган олий ўқув юртларида тахсил олувчи талабалар ҳисобига уларнинг сони 12 минг 197 нафарга, жами касаба уюшмаси аъзолари сони 48 минг 523 нафарга кўпайган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2023 йил 27 январдаги “Янги таҳрирдаги “Касаба уюшмалари картаси” тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси сифатида фаолият юритиши белгиланган.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмиталарининг қарорига асосан Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси хизматида бўлган 65 та бошланғич ташкилотларда фаолият юритаётган 8975 нафар ишловчилар Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси хизматига ўтказилди.

**2023 йилда
бошланғич касаба уюшмаси
ташкilotлари сони
48 тага камайиб
946 тани ташкил этди.**




Ушбу йилда бошланғич касаба уюшмаси ташкilotлари сони Тошкент вилоятида 20 тага, Сурхондарё вилоятида 5 тага – жами 25 тага кўпайган. Тошкент вилояти Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси касаба уюшма кўмитаси таркибидаги цех сифатида бирлаштирилган 22 та шаҳар, туман ва 1 та вилоят Санитария эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси тарқатилиб бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси сифатида Тошкент вилояти Кенгаши хизматига олинган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах вилоятида 7 тадан, Самарқанд, Сирдарё вилоятида 5 тадан, Қашқадарё, Навоий вилоятида 3 тадан, Наманган вилоятида 2 тага, Бухоро 6 тага, Тошкент шаҳрида 2 тага, Фарғона вилоятида 20 тага, жами 67 та бошланғич ташкilotга камайган.

Тармоқда ҳақ тўланадиган аппаратга эга бошланғич касаба уюшмаси ташкilotлари 154 тани ташкил этди, асосий ишидан озод этилган касаба уюшмаси ходимлари сони 207 нафарни, шулардан касаба уюшма кўмитаси раислари 137 нафарни ташкил этган бўлса, олий маълумотлилар 118 нафарни, аёллар 40 нафарни ташкил этди. Жамоатчилик асосида ишлайдиган касаба уюшма кўмитаси раислари 809 нафарни ташкил этди. Шундан олий маълумотлилар 652 нафарни, аёллар 362 нафарни, ёшлар 15 нафарни ташкил этади.

Республика Кенгаши аппаратида 46 та штат бирлиги мавжуд бўлди ва унда 45 нафар ходим (6 нафари аёллар) фаолият юритди. Яъни, Республика Кенгаши аппаратида 18 та штат бирлигида 17 нафар ходим, ҳудудий кенгашларда 2 нафардан 28 нафар меҳнат инспекторлари фаолият юритди. Шу йилда глобал ва минтақавий халқаро алоқаларимизни юқори савияга олиб чиқиш, касаба уюшмаси томонидан олиб борилаётган ишларни оммвий-ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб бориш

мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарори билан Республика Кенгашининг штатлар жадвалига “Халқаро ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича бош мутахассис” лавозими киритилди.



Ушбу йилда корхона, ташкилот ва муассасаларда ишловчи ходимлар сони соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда «тиббиёт бригадалари» фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Президентимиз томонидан мамлакатимиз бўйича бирламчи тиббиёт муассасалари тиббий бригадалари учун 8,5 мингта алоҳида доя ҳамшираси штати ажратиб берилгани, шунингдек, аъзолик афзалликлари бўйича олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида республика бўйича янги очилган нодавлат ва давлат тиббиёт ташкилотларида меҳнат қилаётган ходимларнинг касаба уюшмаси аъзолигига олиниши натижасида ишловчилар сони 62 минг 528 нафарга, “2024-2025 ўқув йилида олий ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш режаси”га асосан ҳамда янги ташкил этилган олий ўқув юртлари ва техникумларда таҳсил олувчи талабалар ҳисобига уларнинг сони 25 минг 401 нафарга, жами касаба уюшмаси аъзолари сони 87 минг 929 нафарга кўпайган. Республика бўйича тиббиёт муассасаларининг стационар бўлимларида режалаштирилган овқат тарқатувчи штат бирликларига юклатилган вазифаларни аутсорсинг хизматини амалга ошираётган корхона зиммасига юклаш орқали овқат тарқатувчи штат бирликларини қисқартириш орқали 4267 нафар, Тез тиббий ёрдам хизматидаги фельдшерлик бригадасида

мавжуд 2 та ўрта ходимдан (фельдшер ва ҳамшира) бирини қисқартириш орқали 3040 нафар, туман марказий кўп тармоқли поликлиника ва марказий шифохонада вазифа жиҳатидан бир хил бўлган врач рентгенолог, рентген лаборанти, эндоскопия хона врачлари ва ҳамшираси, даволаш физкультураси бўйича врач, даволаш физкультураси инструктори каби штат бирликларини бир муассасадан қисқартириш орқали 2178 нафар, жами 9485 нафар ходимга камайган.

Бундан ташқари, 2024 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2023 йил 27 январдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон касаба уюшмалари картаси тўғрисида”ги 8-5-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ва Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмиталарининг қўшма қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2023 йил 15-сентябрдаги “Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг ҳудудий филиаллари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 230-сон буйруғига биноан, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази, Республика “Она ва бола скрининг” маркази негизида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази, ҳудудий перинатал, аҳоли репродуктив саломатлиги ҳамда “Она ва бола скрининг” марказлари негизида марказнинг 14 та ҳудудий филиаллари ташкил этилганлиги муносабати билан, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитасининг 07 майдаги 14-30”с” сонли қарори асосида 30 та ташкилотдаги 3046 нафар ходимлар касаба уюшмаси хизматидан чиқарилган.

2024 йилда Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумларида қабул сони ўтган йилга нисбатан Андижон вилоятида 1088 нафарга, Навоий вилоятида 458 нафарга, Шунингдек, нодавлат ташкилотларда ишловчи 1096 нафар, Наманган вилоятида 490 нафарга, Самарқанд вилоятида 1195 нафарга, жами 4327 нафарга кам қабул қилинган. Навоий вилоятида нодавлат ташкилотларда ишловчи 1096 нафар, Наманган вилоятидаги 1658 нафар, жами 2754 нафар ходимлар аксарият нодавлат ташкилотларининг тугатилиши ҳамда аъзолик бадаллари белгиланган муддатларда тўланмаганлиги сабабли аъзоликдан чиқарилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, тармоқ касаба уюшмасида аъзолар сони ҳисобот йилида жами 19 612 нафарга камайган.

2024 йил давомида ҳудудий Кенгашлар ва йирик бошланғич ташкилотлар томонидан янги ташкил этилган 3806 та ташкилот ва муассасалардаги 99 минг 557 нафар ходим ва талабалар касаба уюшмасига аъзоликка қабул қилинди.

Бу даврда Тошкент вилоятидаги Тошкент тиббиёт академияси Чирчиқ филиали, Фарғона вилоятидаги "CENTRAL ASIAN MEDICAL UNIVERSITY" нодавлат таълим муассасаси ва "ALFA MEDICAL COLLEGE" нодавлат таълим муассасаси (техникум), Тошкент шаҳридаги AVITSENNA, ALPHA тиббиёт техникумлари касаба уюшмаси хизматига қабул қилинди, олийгоҳлар сони 16 тани, техникум ва лицейлар сони 83 тани ташкил қилди.

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази, Республика «Она ва бола скрининг» маркази негизида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази, ҳудудий перинатал, аҳоли репродуктив саломатлиги ҳамда «Она ва бола скрининг» марказлари негизида Марказнинг 14 та ҳудудий филиаллари ташкил этилиши натижасида

**2024 йилда
бошланғич касаба уюшмаси
ташкилотлари сони
10 тага камайиб
936 тани ташкил этди.
827 тасида касаба уюшмаси
қўмитаси, 10 тасида касаба
уюшмаси ташкилотчиси
фаолият юритган**



Тармоқда ҳақ тўланадиган аппаратга эга бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари 152 тани ташкил этиб, 220 та штат бирлигида ишловчи ходимлар сони 222 нафарни, шулардан касаба уюшма қўмитаси раислари 128 нафарни ташкил этади. Булардан, 111 нафари олий маълумотли, 39 нафари аёллар, 2 нафарини ёшлардир. Жамоатчилик асосида ишлайдиган касаба уюшма қўмитаси раислари 808 нафарни ташкил этади. Шундан олий маълумотлилар 668 нафарни, аёллар 372 нафарни, ёшлар 26 нафарни ташкил этади.

Ҳозирги кунда Республика Кенгаши аппаратида 46 та штат бирлиги мавжуд бўлиб, унда 45 нафар ходим (6 нафари аёллар) фаолият юритмоқда.


Шундан, Республика Кенгаши аппаратида 18 та штат бирлигида 17 нафар ходим, ҳудудий кенгашларда 2 нафардан, жами 28 нафар меҳнат инспекторлари фаолият юритмоқда. Тармоқ касаба уюшмасининг ҳудудий Кенгашлари 14 та ҳақ тўланадиган аппаратга эга, уларда штат бирлиги 59.5 та, 50 нафар ходим (17 нафари аёллар) ва 11 нафар енгил автомобил ҳайдовчилари - жами 61 нафар ходим фаолият юритмоқда.






**БОШЛАНҒИЧ
ТАШКИЛОТЛАР**



Аъзолар сони



**ИШЧИ ВА
ХОДИМЛАР**



**ТАЛАБА-
ЎҚУВЧИЛАР**



АЁЛЛАР



ЁШЛАР

Худудлар кесимидаги бошланғич ташкилотлар сони

№	Худудлар	1 январ ҳолатига				
		2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
	Жами	979	995	994	946	936
1	ҚҚР	66	66	65	58	58
2	Андижон	62	62	61	54	53
3	Бухоро	62	62	63	57	57
4	Жиззах	47	51	52	45	46
5	Қашқадарё	70	70	71	68	66
6	Навоий	41	43	46	43	42
7	Наманган	54	57	55	53	52
8	Самарқанд	69	68	69	64	61
9	Сурхондарё	45	47	61	65	62
10	Сирдарё	59	59	59	54	54
11	Тошкент	57	63	66	86	89
12	Фарғона	85	86	91	71	71
13	Хоразм	50	49	51	46	45
14	Тошкент ш.	212	212	184	182	180

Худудлар кесимида аъзолар сони

№	Худудлар	1 январ ҳолатига					Ҳисобот йилидаги фарқ
		2021 й	2022 й	2023 й	2024 й	2025 й.	
	Жами	743 383	804 081	857 575	881 101	969 030	225 647
1	ҚҚР	39 032	42 797	46 156	45 841	47 473	8 441
2	Андижон	58 003	64 691	76 119	76 410	81 653	23 650
3	Бухоро	46 373	49 079	53 361	56 686	61 797	15 424
4	Жиззах	26 253	30 403	34 002	34 246	36 645	10 392
5	Қашқадарё	68 046	75 166	75 596	71 570	81 164	13 118
6	Навоий	24 221	26 934	31 296	31 734	33 465	9 244
7	Наманган	53 554	59 491	63 324	63 910	66 719	13 165
8	Самарқанд	62 996	73 199	80 645	89 488	100 264	37 268
9	Сурхондарё	44 370	48 428	49 579	50 701	56 485	12 115
10	Сирдарё	24 495	25 927	26 605	26 912	28 006	3 511
11	Тошкент	54 301	59 703	60 621	65 141	72 495	18 194
12	Фарғона	87 656	91 461	94 151	97 207	115 782	28 126
13	Хоразм	34 499	36 101	37 322	37 928	43 012	8 513
14	Тошкент ш.	119 584	120 701	128 798	133327	144 070	24 486



2011 йилдан буён Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига аъзо ташкилотлар бошланғич ташкилотлари учун ҳар 2 йилда бир марта, аъзолар сони 100 тагача ва 100 нафардан кўп бўлган ташкилотлар ўртасида ўтказиладиган “Энг намунали бошланғич ташкилот” кўрик-танловида тармоқ, касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари ҳам фаол иштирок этиб келдилар.

2021 йилда тармоқда ўтказилган “Энг намунали бошланғич ташкилот” кўрик-танловида аъзолар сони 100 нафардан кўп бўлган ташкилотлар ичида тармоқ бўйича 1-ўринни эгаллаган Қашқадарё вилояти Китоб туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси ва аъзолар сони 100 нафардан кам бўлган ташкилот ичида 1-ўринни эгаллаган Бухоро Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми касаба уюшма қўмитасининг ҳужжатлари Республика босқичида қатнашиш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига тақдим этилди ва Қашқадарё вилояти Китоб туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси мазкур кўрик-танлов ғолиби бўлди.



2023 йилда эса аъзолар сони 100 нафардан кўп бўлган ташкилотлар ўртасида 1-ўринни эгаллаган Фарғона вилояти Тошлоқ туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси ва аъзолар сони 100 нафардан кам бўлган ташкилотлар ўртасида 1-ўринни эгаллаган Хоразм вилоят қон қуйиш маркази касаба уюшма қўмитасининг ҳужжатлари Республика финал босқичида иштирок этиш учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига тақдим этилди ва Фарғона вилояти Тошлоқ туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси мазкур кўрик-танлов ғолиби бўлди.

Республикамиз Мустақиллигини мустаҳкамлашда, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этаётганлиги, касаба уюшмасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш, дам олиш, маданий-маърифий, спорт ва бошқа масалаларда манфаатларини ҳимоя қилишдаги улкан хизматларини инобатга олиб, 2020 йилда Тошкент вилояти Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси Д.Исакулова, 2021 йилда Фарғона вилоят юқумли касалликлар шифохонаси шифокори, касаба уюшма кўмитаси раиси С.Мамасидиқов, касаба уюшмасининг Наманган вилояти кенгаши раиси А.Мамадалиев, Косонсой санаторийси МЧЖ директори А.Каландаров, Чинобод санаторийси АЖ бошқаруви раиси Д.Саитов, Ҳавотоғ гулшани МЧЖ директори А.Турдиқулов, 2022 йилда касаба уюшмаси Навоий вилояти Кенгаши раиси Ф.Раҳимова, Наманган вилояти Чуст туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси М.Ҳакимова, 2023 йил касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Г.Тошпулатова, 2024 йилда Жиззах вилояти Пахтакор туман тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси А.Андаевлар касаба уюшмасидаги муносиб хизматлари учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг "ЕНТИРОМ NISHONI" билан тақдирландилар.





Ҳисобот даврида янги ташкил этилган бошланғич ташкилотлар хусусиятларини инобатга олган ҳолда Республика Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган жамоа шартномасининг намунавий макети, бошланғич ташкилотлар фаолиятини намунали ташкил этишга оид Низомлар, тартиб ва йўриқномалар билан таъминланди.



Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонуни китоб шаклида чоп эттирилиб, барча даражадаги бошланғич ташкилотларга, иш берувчилар ва уларнинг вакилларига етказиб берилди.

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларни касаба уюшмасининг энг муҳим йўналишлари бўйича қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар билан таъминланишини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг IX Қурултойида қабул қилинган янги таҳрирдаги Устави 15.000 нусхада китоб тарзида ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари ва талаба-ўқувчилар ўртасида мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай қўринишига барҳам бериш, иш ҳақи ва стипендиялардан қонунда белгиланган ҳолатлардан бошқа ҳолларда асоссиз ушланмалар ушланиш ҳолатлари юз берганда бу ҳақда тезкор хабар бериш тизимини давом эттириш мақсадида Республика Кенгашининг “Ишонч телефонлари” ҳақидаги маълумотлар туширилган А2 форматдаги плакат 15.000 нусхада ҳудудлардаги барча даражадаги ташкилотларга етказиб берилди.



Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Уставида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун касаба уюшмаси бюджетини шакллантириш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда касаба уюшмаси тизимида ягона молиявий фаолият тартибини белгилайдиган “Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимида касаба уюшмасига аъзолик бадалларини шакллантириш, тақсимлаш, касаба уюшма бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш Тартиби”, “Янги таҳрирдаги

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг меҳнат инспекцияси тўғрисидаги Низом”и, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тузилмасини такомиллаштириш, бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари фаолиятини меъёрий ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида қўшимча ва ўзгартишлар киритилган янги таҳрирдаги

“Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги “Бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисида намунавий Низом” ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги “Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотларини рўйхатга олиш Китоби” ҳамда жамоа келишувлари ва шартномалари таъсирчанлигини ошириш, уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига, Бош, Тармоқ ва ҳудудий-тармоқ жамоа келишувларига мувофиқлигини таъминлаган ҳолда тезкор ва сифатли экспертизадан ўтказиш мақсадида Қўшимчалар киритилган “Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатга олиш тартиби” ҳамда “Жамоа келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш тўғрисидаги Низом” ҳудудий кенгашларга ва барча бошланғич ташкилотларга етказиб берилди.



Касаба уюшмалари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш борасида ҳисобот йилида муайян ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида КасабаКИАТ дастурини Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ҳамда Солиқ қўмитасининг ахборот тизими, юридик ва жисмоний шахсларнинг марказлашган маълумотлар базалари билан интеграция қилиш модуллари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ишлаб чиқилди.

2024 йил март ойидан бошлаб эса KasabaKIAT дастурий воситасини Республика, вилоят, шаҳар кенгашлари, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларида босқичма-босқич жорий қилиш бошланди.

Касаба уюшмалари Федерациясининг барча ҳудудий Кенгашларида KasabaKIAT дастурий воситаларидан фойдаланувчи ходимлар учун тегишли шароитлар яратилиб замонавий компьютер техникалари билан таъминланди. Тизимнинг ишончли ва пухта ишлашини таъминлаш ҳамда унинг маълумотлар базасида сақланаётган ахборотларни ҳимоясини таъминлаш ва захира тизимларини яратиш мақсадида сервер қурилмалари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан харид қилинди.

KasabaKIATнинг дастурий воситаларидан фойдаланиш бўйича жойларда мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқув семинарлари ўтказилди. Жумладан, 2024 йил март-август ойлари мобайнида тармоқ касаба уюшмаси Республика Кенгаши, ҳудудий кенгашлари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларидан жами 200 нафардан ортиқ масъул ходимлар ўқитилди.